

Ушбу сонда:

2

## Дастрўмолдан қочган пул

Хеч қизиқиб кўрганмисиз, доимо чўнтагингизда олиб юрадиган дастрўмол қаерда ишлаб чиқарилган? Мен ҳам яқин кунларгача бу ҳақда умуман бош қотирмаган эканман. Кунлардан бирида дастрўмол харид қилиш мақсадида бозорга тушдим.



3

## "Британияга ўзгаришлар зарур!"

Бирок Гордон Браун муҳофизат таҳмин қилгандек, Тони Блэр олиб борган сиёсатни кўр-кўрона ёқмади. Барча жабҳаларда туб ўзгаришлар амалга оширилишини эълон қилиб, ҳаммани — ҳаттоки партиядошларини ҳам ҳайрон қолдирди.



4

## Ярадор виждон ноласи

Висотский шеърлари ўзбек тилига бугунги кунга қадар таржима қилинмаган эди. Бу ишни суперюлдузнинг мухлиси, иқтидорли шоир Амиркул КАРИМ амалга оширди. Ва ниҳоят В. Висотский қаламига мансуб "Таъқиқланган кўшиқлар" китоби қўлимизга теги.



## HURRIYATга

обуна йил бўйи


давом этади.

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайси!

Нашр кўрсаткичи — 233

## Туғғу

Таъзим



Бош кийимларини қўлларига олиб ерга тиззаларини қўйганча она юрт байроғига лабларини босиб таъзим қилаётган битирувчи божхоначиларни кўриб кўларимга ёш келди, истиклол имконингдан айланай, бобомиз Амир Темури туғини ўпган ботир аждодларимизнинг ўчмас анъаналарини қайтиб берганинг учун сенга минг марта таъзим ва ташаккур!

## Гуру



## «Энг улуг ва энг азиз» танловига

# Олий сурур

Герб



Қўлларини кўксига қўйиб она юрт мадҳиясига жўр бўлаётган киши бағрига жаннатмонанд юртнинг иссиқ тафти, меҳроқибатли инсонларнинг самимий дил изҳорлари, улугвор тоғларнинг юксаклик манзаралари, кенг ва ҳосилга бой қўтлуғ замин чизгилари, шўх-шодон ёшлар, пиру бадавлат нурунийлар ва, энг муҳими, шу Ватанда яшаётганликдан шукроналик оҳанглари сингади, шу азиз макон учун фидойи бўлишга ундайди.

Баҳрайн давлатидаги "Ар-Риёд" стадионида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Вадим Романов ва Миржалол Қосимов бошлик Олимпия терма жамоамиз Мадҳияга баланд руҳ билан жўр бўлишди. Сездик, ўйинда биз ютамиз. Худди шундай бўлди ҳам!

Улугвор нурунг бор, бўлсин, она юртим мадҳияси!


Тижорат масалалари билан шуғулланувчи дўстимиз узоқ юртда салкам 6 ой бўлиб қайтди. Тошкент аэропортида кутиб оларканман, унинг бахтиёр учқунлар таратаётган кўзларида ажиб шодликнинг намоён бўлаётганлигининг гувоҳи бўлдим. У чет элларда ҳам алмаштирмай қайтариб келган ўзбек сўмидаги гербга қараб: "Ах, онажоним, отажоним Ватаним", деб шивирлаб кўярди. Биз унинг ўз юртимизни, қадриятларимизни, одатларимизни беҳад соғинган-

лигини ҳис қилдик. Ахир хумо қуши қанотлари билан ҳимоя қилиб, она заминнинг бир парчасида ярқираб ва яшнаб турган жаннатий юрт — Ўзбекистон борлиги айна ҳақиқат-да! Шу боис ҳам дўстимизнинг соғинчига, қувончига шерик бўлдим. Ўзидан ажиб нур таратиб турган Давлат гербимизга қайта-қайта, суқланиб-суқланиб тикилдик.

Жаҳоний юртлар ичра энг самимий, тинчликсевар эл бўлиб танилган Ўзбекистоним, гербингдек қақнаб, яшнаб юравергин.

## Кўшиқ

Хоразмнинг Хивасида махсус иқтидорли ўқувчилар интернати бор. Шу даргоҳдаги бир байрам тадбирида қатнашдим. Бирин-кетин саҳнага чиққан болалар ўз иқтидорини намойиш этар экан, Раҳматулло Аллаберганов деган йигитчанинг Амир Темури ва она юрт ҳақидаги кўшиқлари бир мени эмас, ҳам-



мани бирдай тўлқинлантириб юборганини сездим.

Мана, бўларкан-ку, юракка яқин Ватан ҳақида юракка яқин кўшиқ куйласа. Раҳмат сенга, Раҳматулло, устоз Комилжон Отаниёзовнинг руҳлари мададкор бўлиб, Ўзбекистон номини улуглаб, булбулдай куйлаб юравер!

## Шараф

Сурхондарёнинг Термиз туманида Рисолатхон исмли фермер ва фирмачи опа бор. Тиним билмайди, эртадан кечгача далада, кечкурун идорада,

Давоми 2-бетда.

## «Энг улуг ва энг азиз» танлови

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокорпорацияси, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, таъсирий ва кино санъат намояндаларини ва бошқа ижодкорларни мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказувчи, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодини она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатувчи, ижтимоий ҳаётдаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёнлардаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга қўллаш мақсадида уларни республика мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган анъанавий "Энг улуг ва энг азиз" танловига таклиф этади.

"Энг улуг ва энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- таъсирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари;

Танловга тақдим этилган ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.

### Ижодий ишлар

"Энг улуг ва энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда 2007 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси.

Телефонлар:  
144-32-33; 144-64-62; 144-57-24; 144-11-64.

Танлов голиблари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида мукофотландилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

## Тадбир

Фуқаролик жамиятини, жамоатчилик фикрини ўрганишда ҳаёт кўзгуси ҳисобланган матбуотнинг ўрни алоҳида. Одамларнинг жамиятга бўлган муносабати маҳаллий матбуотда ҳам ўз аксини топаётгани эътиборга молиқдир. Қатор вилоят, туман ва шаҳар газеталари ҳамда маҳаллий телевидение ва радиоканалларда жойларда амалга оширилаётган хайрли ишлар, турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, шунингдек, ечимини кутаётган айрим муаммолар атрофида ёритилаётгани жамоатчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

## ОАВ мониторинги

### жамоатчилик фикрини ўрганишда муҳим босқич

Шундай долзарб мавзулардаги мақолалар, телекўрсатув ва радиозиттиришлар мониторингини олиб бориш, бу орқали жамоатчилик фикрини ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти «Сўз эркинлигини таъминлаш ва ОАВни демократлаштириш» лойиҳаси бўйича яқинда бўлиб ўтган «Вилоят филиалларидаги ОАВ учун масъулларнинг вазифалари» мавзусидаги давра суҳбатида ана шу хусусда сўз борди.

— Лойиҳамизнинг виллоят филиалларида фаолият кўрсатаётган масъул ходимлар маҳаллий газета тахририятлари, телерадио студиялари билан доимий ҳамкорлик қилишлари фуқаролик жамиятини ўрганишда муҳим ўрин тутади, — дейди лойиҳа раҳбари **Файзулла МҮМИНОВ**. — Газетада ёритилаётган мақолалар мониторингини олиб боришда эса кўп нарса ойдинлашди. Айтайлик, фермерлар ҳақида ойда ё йилда қанча мақола ёритилди? Бу борада муаммолар нималардан иборат? Журналистнинг унга муносабати қай даражада акс этган? Таҳлил натижалари қандай? Агар ҳар бир мавзуда ёритилаётган мақолалар таҳлилий шу тариха ўрганиб борилса, улардан қўзланган мақсадга ҳам эришиш имкони пайдо бўлаверди.

Давра суҳбати иштирокчилари ҳам маҳаллий ОАВ билан ҳамкорлик қанчалик ижобий самара беришини таъкидладилар.

**Ўқтам ҚУРБОНОВ**, ФЖҲИ Самарқанд виллоят филиали масъул ходими:

— Ҳозирги кунда виллоятларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолияти қанчалик равақ топаётганидан жа-

моатчилик, аввало, маҳаллий ОАВ орқали хабардор бўлиши мумкин. Демак, улар фаолиятини тахририят ходимлари билан ҳамкорликда кенгроқ ўрганиб, ёритиб боришимиз мақсадга мувофиқдир.

**Зоҳид ТҶРАЕВ**, ФЖҲИ Фаргона виллоят филиали масъул ходими:

— Сиёсий партиялар фаоллари жойларда кўплаб анжуман ва тадбирлар ўтказишади. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида биринчи галда туман ва виллоят газеталарида, маҳаллий телерадиода ёритилади. Уша анжуманда айтилган ва ОАВда ёритилган муҳим фикрлар қоғозда қолиб кетмаслиги учун ҳам уларнинг мониторингини олиб боришда фаоллик кўрсатишимиз зарур экан.

**Азамат ЗАРИПОВ**, ФЖҲИ Навоий виллоят филиали масъул ходими:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг вакиллари иштирокида виллоят, шаҳар ва туманларда ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари маҳаллий журналистларнинг эътиборидан четда қолмайди. Негаки, бундай юзма-юз мулоқотларда энг муҳим ва долзарб мавзуларда ошқора фикрлар айтилади. Агар ҳар ойда шундай мавзуда ёритилган мақолалар, интервьюлар мониторингини кўриб чиқсангиз, анча салмоқли фикрлар жамланганига амин бўласиз. Булар ўз навбатида фуқаролик жамиятини теранроқ ўрганишимизга ёрдам беради.

Тўлқин ЭШБЕК



Саховатли  
ёз  
неъмат

## Таклиф

# Почта маркалари

уларнинг ёшлар тарбиясига таъсири қандай?

**Кунора компьютер ўйинига пул сўраб, хархаша қиладиган неварамни кўриб, қўшним Маҳмуд ака бир кун мени суҳбатга тортиди.**


— Хафа бўлманг-ку, бу темир ўйинга ҳар гал 2-3 минг сарф қиласиз, компьютер, ҳатто қўл телефонларининг одамга зарарлигини биласизми?

**Эгамберди ҲАМИДОВ**

Қўшним қўлидаги чиройли альбомни varaқлаб, гапни давом эттирди.

— Бунда Ўзбекистонда чоп этилган почта маркалари жамланган. Биласизми, бундай бадий маркалар дунё бўйича бор-йўғи 40 га яқин давлатларда чоп этилади. Шулар қаторида Ўзбекистон ҳам бор. Ҳозиргача 500 дан зиёд марка дунё юзини кўрди. Улар хат-хабарларга ёпиштирилиб бутун оламга таралмоқда. Ҳа, энди Ўзбекистон деган республика борлигини беш қиғдада ҳам билишарди.

Безовталанаётганимиз сезган қўшним, бу ёғини эшитинг деган-



дек гапида давом этди:

— Бўш вақтингда невараларни тўплаб бу альбомни очиб, улар билан хоҳлаган мавзуда суҳбат куришингиз мумкин. Маркалар республикамиз тарихи, умрбоқий обидалари, олим алломалари, спорт, ўлкамиз ютуқлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини акс эттирган. Масалан, диёримизда қанча ноёб ўсимлик ва гуллар мавжуд? Улардан қанчаси Қизил китобга киритилган. Олимпиада қачон, қаерда бўлган ва қимлар Ўзбекистон байроғини юқорига кўтарган, тоғ-дараларимизда қайси ёввойи ҳайвонлар бор? Болалар у ёқда турсин, ўзингиз ҳам билмаган нарсаларни билиб olasiz. Невараларни шунга ўргатинг, кунингиз беҳуда кетмайди, ёшлар-

нинг зеҳни ўсади, ота-боболаримиз қурдирган ўлмас обидаларни кўриб Ватанимизга меҳри кучаяди. Ўсимлик ва ҳайвонларга бўлган қизиқиши ортади. Пул бериб, кўчага чиқариб юбориб, қачон келади деб ўтирмайсиз.


Уйга келиб ўйланиб қолдим. Маркаларнинг фақат хат ёзганда керак бўлади деб юрардим. Унинг бундай ҳислатлари борлиги мени қизиқтириб қолди, суриштириб, Ўзбекистонда филателистлар (марка тўпловчи) жамияти борлигини, унга узоқлик кишилар аъзо эканини билиб олдим.

Тошкент почтамати ичида ўзбек маркаларини сотадиган дўкандан невараларимга почта бадий маркаларини харид қилдим.

Дунёда бу нарса билан миллионлаб кишилар, айниқса, ёшлар машғул экан, оламга машҳур кишилар ҳам марка йиғишга кўл урганни эшитиб ҳайрон қолдим.

Мана, ёшлар нимага қизиқиши керак? Улар кўчаларда вақтини бекор ўтказмасдан, уйда ўтириб шундай фойдали машғулотлар билан банд бўлса қанийди.

Энди невараларим доим ёнимда, ҳар кунги суҳбатга ўзим ҳам тайёргарлик кўрадиган бўлдим.



Давоми. Бошланиши 1-бетда.

сўнг велосипед ишлаб чиқарадиган митти заводчада. Орада уйга бориб, овқат тайёрлаб келади, фарзандлари ҳолидан хабар олади.

— Бунча кучни қайдан оласиз? — сўраган опадан.

— Аввало, Яратганнинг ўзи кўмак беради, онамнинг дуолари юрагимга ўт солади, Юртбошимиз ва Ватанимизнинг ишончи ғайратимга ғайрат қўшади! — самимий сўзлайди опа.

Бу китобий гаплар эмас, айни



ҳақиқат. Бир аёлингдаки шундай шижоат, шундай тadbirkorлик ҳолати бор экан, юкинг ҳеч қачон ерда қолмагай, мудом шараф ва шонга бурканиб яшайсан, юртим!

Ишонч

Самарқанднинг Иштихони билан қўшни бўлган Қўшрабoт туманида Шамолли деган мўъжаз гўша бор. Ҳарқираб оқаётган тоғ сойининг икки томонида макон қуришган бу кишлoқ аҳли Абдулла бoбo Алламуродовни жуда ҳурмат қилишади.

— Мен, — дейди бoбo, — не-не замонларни кўрмадим. Мана шу



қишлоқдан эшакда, пиёда 15 км йўл бoсиб Зарбандга бoриб мактабга катнаган ёшларга ачинардим, ҳам қишлоғимизда биттагина синфли, мактаб очилиши қийинлигини билиб ўқинардим. Орузу қилардим, шу болаларни бахтига биттагина мактаб очилса деб. Хайрият, бошимизга офтоб чиқиб мактабли бўлдик. Энди биздан ҳам шoirлар, қўшиқчилар, профессорлар, космонавтлар чиқади.

“Бу Абдулла бoбo ўқитувчи бўлган экан”, деб ўйламанг. У киши шу қишлоқдаги яққаю ягона дўқоннинг ҳам мудури, ҳам сотувчиси бўлган. Энди хулосани ўзингиз чиқариб олаверинг!

Истак

Наманганнинг Чуст тумани “Дехқон бозори” раисининг Асатилло ака деган ўринбосари бор. Салкам 20 йилдан буён бир жойда ва бир мансабда ишлаб келаётган Асатилло ака бугунги кундаги катта ўзгаришларни бозорга таққослаб таҳлил қилади, юртининг борган сари фаровонлашиб бoраётганлигидан қувонади, дилида жўш ураётган истакларини барча билан баҳам кўради:

— Юртимиз дехқончилигига бундан-да барака ато этсин, ризқ-рўзи-дан — нон кўпайсин, хирмонларимиз галла, пахтага тўлсин. Ободон-

чили ва яхшилик уруғлари серoб бўлсин!

Албатта, бу тилаклар бир қарашда жўн гаплардек туюлади, лекин уларни оддий инсон, одамлар орасидаги юртдошимиз айтётганлиги учун ҳам аҳамиятли ва залворли.

Шундай экан, бу тилакларга шoirона тус бериш ниятимиз йўқ, чунки оддийлик — софликдир!



Юрт манзараларини ҳар қандай усулда чизмагин, уларда барибир камчилик бордай туюлади. Ватан сўзи, тушунчасининг моҳиятини англаш эса ундан-да қийинроқ. Аммо шу нарса аниқки, биз қаерда ва ким бўлиб яшамайлик, қонимизда оқаётган ўзбек тимсолини ардоқлайлик, бизга ато этилган мана шу юрт учун фидо, фидойи бўлайлик, шундагина савобли амалларимиз ижобат бўлса ажаб эмас. Мавзуни эса давом эттирамиз! Неймат МИРЗАЕВ, журналист

Мулоҳаза

Ҳеч қизиқиб кўрганмисиз, доимо чўнтагингизда олиб юридиган дастурмол қаерда ишлаб чиқарилган? Мен ҳам яқин кунларгача бу ҳақда умуман бош қотирмаган эканман.

Кунлардан бирида дастурмол харид қилиш мақсадида бозорга тушдим. Қарши шаҳридаги расталарни айлана бошладим. Дониёр исми сотувчи йигитдан дастурмолларнинг нархини сўрадим.

Динара ОРТИҚОВА

— Нархи ўзига қараб ҳар хил, — деди у. — “Женский”лари 300 сўмдан 1000 сўмгача, “мужской”лари 500 сўмдан 1500 сўмгача. Қайсинисидан берай?

— Менга иложи бўлса 3 дoна ўзимизда ишлаб чиқарилган эркаклар дастурмолидан берсангиз, — дедим.

— Ўзимизда ишлаб чиқарилгани? — ҳайрон қолди сотувчи. — Бизда унақасидан йўқ!

Мен йўлимда давом этиб, дастурмол сотадиغان бошқа расталарни излаб бошладим. Пайпоқ ва дастурмоллар сотиб ўтирган ўрта ёшли аёл менинг саволимни эшитиб, аввало яхши тушунмади, шеклиди, “Нима?” дея қайта сўради.

— Ўзимизда ишлаб чиқарилган дастурмоллардан топиладими? — саволимни яна такрорладим.

— А-йўк. Менимча, сиз сўраган дастурмоллар бозорда бўлмас керак. Мана бу «упаковка»ларини кўринг-чи, чет элники!

Яна икки-учта растани айланиб, аҳвол ҳаммасида ҳам бир эканлиги учун чет элдан келтирилган ўша «упаковка»ли дастурмоллардан харид қилишга мажбур бўлдим.

Уйланиб қолсан киши, нахотки оддийгина дастурмолни ҳам ўзимизда

Дастурмолдан қочган пул

ишлаб чиқара олмас. Балки бу кимгадир арзимас майда-чуйдадек туюлаётган бўлиши мумкин. Аммо ана шу кўз илгамас нарса орқали неча-неча миллионлаб, аниқроғи, миллиардлаб маблағларнинг четга «ҳадя» қилиб юборилаётганлигини ҳеч биримиз пайқаймай қоламиз. Сўзимнинг исботи учун оддийгина бир ҳисоб-китоб.



бир қаторда чойшаб, кўрпачуларнинг ҳам тикиш йўлга қўйилган.

Цех раҳбари Соҳиба Ортиқовадан қорхонада дастурмол ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши қўйилмаслиги ҳақида сўраганимда, аввалига ажабланган цех бошлиғи бу қорхонада фақат буюртма асосида маҳсулотлар тикилишини яна айтиб ўтди. Шунинг бoриб дастурмол ишлаб чиқариш учун махсус мато керак бўлиб, у ҳам асосан четдан келтирилишини таъкидлади. Яна Соҳиба Ортиқованинг сўзларига қараганда, бу цехда илгарилари ҳам умуман дастурмоллар чиқарилмаган экан.

Йўлда кетаётиб Ўзбекистон кўчасида жойлашган «Ситора» дўкони ичидаги тикувчилик цехига кўзим тушиди ва бевосита унинг фаолияти билан ҳам қизиқиб кўрдим.

— Бу цехда қарийб икки йилдан бери ишлайман, — дейди Камола Амиркулова исми тикувчи. — Биз ҳар хил фасондаги кийимлар тикамиз. Аммо сиз айтган рўмолчаларга умуман талаб бўлмаган. Аслида улар ёшу қари ҳамманинг эҳтиёжи. Мен ўзим тикувчи бўлганим учун хўжайиним ва болаларимга матодан дастурмол тикиб бераман. Бозордаги дастурмолларнинг эса нархи қиммат. Бунинг устига сифати ҳам унчалик эмас. Ҳатто макталган дастурмоллар ҳам бир марта ювилгунча. Ўзимизда илгарилари «Каштекс» томонидан дастурмолбоп матолар ишлаб чиқариларди. Ҳозир негадир унақа матолар йўқ-да.

Тикувчи Камола Амиркулова ва «Санам»даги цех бошлиғи Соҳиба Ортиқова таъкидлашганидек, дастурмол учун мос келадиган мато топиш ҳам амри маҳол. Чунки бозордаги импорт матоларнинг ҳаммаси ҳам бир пайлар «Каштекс» акциядорлик жамияти чиқаргани сингари дастурмолбоп эмас.

Оддийгина дастурмол мавзусида қаршилик тadbirkorларнинг айримлари билан гаплашганимда, улар чет элдан (асосан Хитойдан) келтирилаётган дастурмоллар нархининг айрим ҳолларда анча пастлиги (сифатига яраша) ва маҳаллий тикувчиларнинг бу борада хитойлик ишбилармонлар билан рақобат қила олмаслиги ҳақида гапиришди. Уйлаб қарасам, шу арзимас, аммо кундалик ҳаётда ҳамма учун зарур бўлган кичик-бир буюм ортида қанчадан қанча муаммо бор экан.

Келтирилган мисоллар шунчаки гаплар эмас, албатта. Бу бизнинг кундалик турмушимизда ҳали кўплаб учрайдиган кичкина, аммо шу билан бирга жуда катта муаммолардан бири. Айтишларича, учтўрт ой олдин воҳамизда ўтказилган катта йиғилишда мутасадди раҳбарлардан бири залдагиларга мурожаат қилиб, «Кимнинг чўнтагида ўзимизда, Қашқадарёда ишлаб чиқарилган рўмолча бор?» деб сўраган экан. Шунда йиғилишда ўтирган юзлаб одамлардан (улар орасида шу соҳага бевосита алоқадор кишилар ҳам бор эди) бирортаси ҳам «мана» дея ёнидан вилоятимизда ишлаб чиқарилган дастурмолни чиқариб кўрсата олмабди.

Ҳа, айтганча, азиз муштарий, сизнинг чўнтагингиздаги дастурмол қаерда ишлаб чиқарилган?

Ҳамкасб



Мана, 43 йилдан ошибдики, Қодиржон Абдукаримов ёзади — мухбир. У тумандаги Сайрам қишлоғида таваллуд топган. Меҳнат фаолиятини 1-ўрта мактаб болалар етакчиси ва ўқитувчилигидан бошлаган. 1969 йили ҳозирги НамДўнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаб, мураббийлар сафидан ўрин олди. Уқувчилигиданоқ хабарлар ёзиб юрган Қодиржон 1971 йили Тўрақўрғондаги ҳозирги “Давр” газетасида иш бошлади. Сўнгра “Наманган ҳақиқати”, “Косонсойнома” ва яна ўзи таваллуд топган туман рўзномасида меҳнат қилди. Бир мунча муддат туман ижрокўмида масъул вазифани бажарди. Агросаноат бирлашмасида етакчи мутахассис бўлди. Сайрам ҚФЙ раисининг ўринбосарлигини бажарди. “Ширинбулоқ” дам олиш масканини бошқарди. 1994 йилдан бери Наманган муҳандислик иқтисодий институтини фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда у академик лицейда ҳам билимга чанқоқ ёшларга маънавият, ўзбек тили ва адабиётдан сабоқ берапти.



Осимхон ВОСИХОНОВ чизган


Муносабат

С.Ф.У. ва Д.Ф.У.

маъносини ўзингиз тушуниб олаверинг

Ҳозирги вақтда кўчаларга, маҳаллаларга ўша жой тарихи ва бугунги кун талабидан келиб чиқиб турли хил номлар берилляпти. Шу тариқа бу соҳада баъзан ҳар хил палапартишликлар келиб чиқмоқда. Туманлардаги ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар негизда бир неча янги фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Ҳозирда уларга нисбатан ишлатилаётган атама номлар ажабтовур.

Масалан, Денов туманидаги барча ширкат хўжаликлари номлари ўз жойида қолса-да, атамалар номи С.Ф.У. деб, яъни сувдан фойдаланувчи уюшма деб юритилиши нима маънони англатади? Бу хўжаликлар олдин ҳам сувдан фойдаланиб келган-ку. Шунингдек, бир канал сувидан фойдаланувчи, ер майдонлари бир-бирига туташ Олтинсой туманидаги айни атамалар умуман бошқача, яъни Д.Ф.У. деб юритила бошлади. Дехқон фермерлар уюшмаси маъносини берадиган бу атама бироз бўлса-да мантқиққа тўғри келади. Чунки унинг айтилиши ва ёзилишига етарли даражада тушунса бўлади. С.Ф.У ва Д.Ф.У лар қаердан пайдо бўлди? Улар атамашунос-



лик қонун-қондасига тўғри келади? Айни вақтда аҳолини чалғитадиган нарса жойларга ёзилаётган хат-хабарларнинг бирига ширкат хўжалиги деб ёзилса, бирига С.Ф.У деб ёзилаётганлигида. Бу алоқа бўлиларини чалғитмаётми? Уларнинг бу шаклда ёзилишидан тегишли атамалар кўмитаси хабардорми? Хўжаликларга бериллаётган С.Ф.У. ёки Д.Ф.У. деган атама номларнинг туб маъносига ким етарлича тушунтириш бера олади? Бу ҳақда жиддий бош қотириб бир хулосага келиш зарур.

Урол БЕКМУРОДОВ

Тафаккурдан томчилар

Жамият шахсни тарбияламайди. Жамият шахслардан таркиб топади. Шахслар ўз хулқи билан жамиятнинг ахлоқий манзарасини намoён этади.

Жоҳилларнинг ҳаёт мазмуни аввалги ўтган жоҳилларнинг хатосини айнан такрорлашдан иборат ҳолос.

Ҳақиқат сари одимламай, аввало, ўзини ислоҳ қилмаган киши ҳаётда ҳақиқатни учратмас, зинҳор “ҳақиқат йўқ” демасин. Чунки у ташна бўлгани ҳолда дарё поймига оқиб келсин, демоқда. Бинобарин, эканини ураётган одамнинг ҳосили сепган уруғидан бошқа нав эмас!

Оч қоринга насихат қор қилмай-

ди. Тўқига эса тегиб бўлмайди. Мана, залолат ва ҳақолатнинг доялари қаерда!

Дунёнинг алдоқчилиги рост. Бунда ҳаловатни ҳалокат билиш — хушёрлик, омонлик. Ҳалокатни ҳаловат дейиш — гумроҳлик ва алданишдир.

“Орканги оёқ” мақомида юриш — тақлидчи ҳаётдаги шараф. У бир марталикка мўлжалланган маҳсулотлардан ҳеч қачон биринчи бўлиб фойдалана олмайд!

Ўзгидан нафратланувчи (воз кечган) одам ўзгаларнинг қичқиндисини юксак маданият деб билади.

Мухиддин МИРЗААХМАД

Хабар

Шу йилнинг 2-6 июль кунлари “Чорвоқ” оромгоҳида ЮНИСЕФнинг Тошкентдаги ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасида Унни бойитиш бўйича

Миллий дастурни амалга ошириш доирасида “Хулқ-атворни ўзгартириш учун стратегик коммуникация” мавзусида семинар ўтказди.

Стратегик коммуникацияга бағишланди

Зикр этилган дастурни амалга оширишга мутасадди бўлган “Ўздонмаҳсулот” АК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа идоралар вакиллари иштирок этган семинарни Тренерлар Жайа Наир (Хиндистон) ва Рустан Хайдаров (Ўзбекистон) олиб боришди.

Семинарда унни бойитиш давлат дастурини амалга оширишда коммуникацион технологиялардан фойдаланиш хусусида сўз юритилди, амалий машғулотлар ўтказилди. Иштирокчилар АКШнинг Жон Хопкинс университетининг олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва у ёки бу муаммони ҳал этишда хулқни ўзгартиришга мўлжалланган “Р” жараёни” технологияси билан таништирилди. У ўз моҳиятига кўра, вазият таҳлили, стратегик режани белгилаб олиш, уни ишлаб чиқиш, дастлабки синов ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, менежмент, амалиётга татбиқ этиш ва мониторинг ҳамда аҳолининг муайян гуруҳларига қандай таъбир



қилганини баҳолаш сингари бир-бирига боғлиқ жараёнларни қамраб олади. Семинар чоғида жаҳон тажрибасида синовдан ўтган турли мулоқот технологияларини Ўзбекистон шароитида ҳам қўллаш яхши самара бериши мумкинлиги қайд этилди. Тadbirkor ниясида иштирокчиларга сертификат топширилди.

Нуриддин РАҲИМОВ

Тўққизинчиси Самарқандда бўлди

Кеча Самарқанд шаҳар 2-сон педагогика коллежида “Темирга бой унинг номи — савоматлик гарови” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва БМТ болалар жағмармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда JFPR 9005 минтақавий бошланғич дастурнинг матбуот, ТВ ва радиода ёритиш соҳасидаги ўқувчи миллий муқофотига танлов эълон қилинган эди.

Семинарда таъкидланганидек, ҳукуматимиз томонидан озуқавий микроэлементлар танқислиги муаммосини ҳал этишга



алоҳида таъбир қаратилмоқда. 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистонда Осиё Тарақиёт банки билан ҳамкорликда JFPR 9005 минтақавий бошланғич синов лойиҳаси татбиқ этилиб, унинг доирасида 14 та ун ишлаб чиқариш қорхонаси унни витаминлар билан аралаштириш ва минераллар билан тўйинтириш учун мўлжалланган дозалар билан тўлиқ жиҳозланган. Йиғилишни Ўзбекистон

Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов олиб борди. Унда БМТ болалар жағмармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси жамоатчилик билан ишлаш, алоқалар ва маркетинг бўйича маслаҳатчиси Р. Хайдаров, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош болалар геметологи, Республика мам қонлик маркази бошлиғи Д. Сулаймонова, “Ойдин ҳаёт” соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш маркази директори, профессор Д. Шариповалар ўз фикр мулоҳазаларини билдирдилар. Шу кунин Самарқанд шаҳар «СТВ»да мазкур мавзуга бағишланган телемулоқот ҳам бўлиб ўтди.

У. ХҲЖАНИЁЗОВ



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади



Сиёсат

"Британияга ўзгаришлар зарур!"

Қиролликнинг янги бош вазири Гордон Браун ана шундай шиор билан жиддий ислохотларга киришди

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр мuddатдан олдин истеъфого чиқиб, унинг вазири Гордон Браун бажара бошлагандан кейин ҳам лейбористлар ҳукмронлигидан чарчаган муҳолифат мамлакатда бирор жиддий ўзгариш бўлишига умид қилмаётгани...



Жеймс Гордон Браун 1951 йилнинг 20 февралда Шотландиянинг Глазго шаҳрида руҳоний оиласида туғилган. 12 ёшидаёқ лейбористлар партияси фаолига айланган. Эдинбург университетини иқтисод мутахассислиги бўйича тамомлаган.

Собиржон ЁҚУБОВ

Ўз норозилигини шу тариқа очик билдирган муҳолифат консерваторлар янги бош вазири ўз йўлини топа олмай, сиёсий саҳнадан кетиши ва улар оsonлик билан ҳукуматни эгаллашларига ишонмаган...

бор, охириги пайтларда Тони Блэр кўпчилик кузатувчилар томонидан парламент хоҳишини инобатга олмадан тор доирада қарорлар қабул қилишда айбланаётган...

Гордон Браун ҳукумат бошлиғи сифатида янги бошқарув усулини қўллаши, халқ томонидан сайланган вакиллар — парламент аъзолари мавқеини мустаҳкамлаш ҳақида гапираркан, маълум маънода Тони Блэр ўз етакчилигини ўйлаб атрофдагилар фикри билан ҳисоблашмай қўйгани тўғрисидаги фикрларни қўллагандай бўлди.

ЛЕЙБОРИСТЛАР ЕТАКЧИСИ ички сиёсатда соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини устувор йўналиш сифатида эълон қилди.

Мамлакат тараққиёти ёшларнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқлигини урғулаган Гордон Браун бюджет учун қанчалик оғирлик қилмасин, соҳа учун ажратилаётган маблағни кўпайтиришга ваъда берган.

Бугунги инглиз жамиятида уй-жой сотиб олиш энг оғирлиги муаммолардан бири саналади. Европанинг энг қimmat мамлакатларида бири ҳисобланган Британияда ўш оилалар одми ва камтаргина уй харид қилиш учун бир неча йил ишлаши керак.

ётган дастлабки сиёсий тадбирлар, хусусан, янгидан тузилган ҳукумат таркибидagi ўзгаришлар ислохотлар хусусидаги гап-сўзлар шунчаки нотикилик юзасидан айтилмаганини кўрсатибди. Эътибор тортаядиган жиҳати, Гордон Браун энг муҳим ва нуфузли деб ҳисобланган вазириларнинг барчасига ўз одамларини тайинлаган.

Тони Блэр даврида ички ишлар вазири бўлган Жон Рейдга янги ҳукуматдан жой теғмади. Унинг ўрнига тайинланган Жеки Смит Буюк Британия тарихида хотин-қизлардан чиққан биринчи ички ишлар вазири бўлди.

Таъки ишлар вазири лавозимида ишлаган Маргарет Беккет хонимнинг ишдан кетиши, унинг

ўрнига Дэвид Милибэнднинг келиши инглиз ташқи сиёсатида жиддий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Нега деганда, ҳозирга қадар "Фақир киши панада" қабилида экология ва атроф-муҳит вазири бўлиб келган Дэвид Милибэнд АҚШ ва Исроилга қарши қарашлари билан танилган.

Гордон Браун ана бир қатор вазирилар номини ўзгартирди. Пировардида, лейбористлар раҳбари томонидан тузилган ҳукумат таркибидан Тони Блэр даврида ишлаган 11 нафар вазири чиқариб юборилди.

Афтидан, Гордон Брауннинг кескин ўзгаришлар йўлини тутгани инглиз электоратига ҳам маъқул келяпти. Шу билан бирга ўтган hafta Лондон ва Глазго шаҳрида терактларнинг фош этилгани ҳам халоскор рицар сифатида янги бош вазирга халқ илосини оширган. Бунинг инглиз жамоатчилиги орасида ўтказилган сўнгги ижтимоий сўровлар ҳам тасдиқламоқда.

Гордон Браун бош вазири лавозимига ўтаётган пайтда уни инглиз жамоатчилигининг 14 фоизи қўллаб-қувватлаган. Унинг дастлабки қиши ва кўпуровчилик ҳаракатлари олди олингандан кейин бош вазирининг нуфузи 77 фоизга кўтарилди (Лейбористларга муҳолифатда бўлган консерваторлар етакчиси Давид Камеронга эса 43 фоиз респондент ижобий баҳо берган).

ҲОЗИРЧА Гордон Брауннинг ишлари ёмон эмас. У илгари сураётган ташаббус ва тақлифлар иллик билан қабул қилинган. Бироқ яқин кунларда инглиз ҳукумати ва Европа Иттифоқи раҳбарияти ўртасида иттилоф қиши эҳтимолини ҳам айтиб ўтиш зарур. Чунки Гордон Браун Европа Иттифонинг кенгайиши масаласида соҳиб ҳукумат раҳбари Тони Блэрдан ҳам кескинроқ фикрда: у Буюк Британия ЕИСиз ҳам фаровон ҳаёт кечира олади деб ҳисоблайди.

Дараклар

НАТО кибертеррорчиларга қарши курашни кучайтиради

НАТО Эстонияда кибертеррорчиликка қарши кураш маркази ташкил этилишини маълум қилди. Ушбу марказ ҳукумат идоралари сайтига ҳақерлар томонидан қилинаётган ҳужумларни қайтариш мақсадида тузилмоқда.



Эслатиб ўтамиз, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган совет жангчилари хотирасига Эстонияда ўрнатқан ёдгорлик борасида Таллин ва Москва ўртасида жиддий иттилоф юзга келди.

Интернет порталларига кибержиноятчилар ҳужуми кучайганидан хавотирга тушган Эстония уларга қарши курашда кўмак кўрсатишни сўраб Европа Иттифоқи ва НАТОга мурожаат қилди.

Исроил мудофааси учун 2015 миллион доллар

Исроил ўз худудида ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини яратиш ишларини жадаллаштирмоқда.


Хабарларга қараганда, АҚШ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими қўшни мамлакатлар, хусусан, Эрон томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳужумларни қайтаришга хизмат қилади.

Яқинда Қўшма Штатлар Конгресси Вакиллар палатаси Исроил ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими учун 205 миллион доллар ажратиш тўғрисидаги қонун ҳужжатини тасдиқлади.

Ҳозирча янги мудофаа тизими қачон ишга туширилиши борасида аниқ маълумотлар айтилмапти. Лекин яқин пайтда мазкур тизимни яратиш бўйича Исроил ҳамда АҚШ ҳарбий қорхоналари ўртасида музокара олиб боришмоқда.

"Гарри Поттер"га етадигани топилмади

Буюк Британияда чоп этиладиган The Telegraph газетаси Жоан Роулинг қаламига мансуб "Гарри Поттер ва ҳикмат тоши" романини мамлакатнинг сўнгги чорак аср тарихидagi энг яхши асари деб топди.



"Гарри Поттер ва ҳикмат тоши" романи етти китобдан иборат бўлиб, унда сеҳрлар болакайнинг саргузаштлари ҳикоя қилинган. Асарнинг биринчи қисми 1997 йили чоп этилган эди.

Антарктикада оламшумул кашфиёт

Халқаро олимлар гуруҳи Антарктика сувларида шу пайтга қадар илмга номаълум бўлган 700 га яқин биологик жониворлар мавжудлигини кашф этди.

Ушбу ижтимоий аҳамияти қатна. Нега деганда, ҳозирга қадар ўта паст ҳароратли Антарктика сувлари ҳайвонот олами ҳаёт кечирishi учун ноқулай муҳит деб ҳисоблаб келинган...

Нигора МИНГБОЕВА

Газета эмас, газетхон керак

Маълумки, сўз эркинлиги ҳукм сурган жамиятда ҳар ким ОАВ орқали ўз сўзини айтиши, мулоҳаза юритиши, фикрини баён этиши ва эътироз билдиришига ҳақли. Зеро, сўз эркинлигининг асосини ҳам шулар ташкил қилади.

Анвар СУЮНОВ, Равшан ЧАМАНОВ


Масжидми... мачит?

Биз мулоҳаза юритмоқчи бўлган мавзу бу эмас. Барчамизга маълум, кейинги пайтларда юртимизда газета ва журналларнинг сони кўпайгани сайин, улар ўртасида кучли рақобат юзга келган.

масалани ҳал этолмагач, китобдан қараб ёзишлар деди. Катта жияним китобда шундай деса, кичиги газетага «мачит» деб ёзилган дейди. Янгам бу ҳолатни кўриб, қайси бири тўғри ёзилган, деб мендан сўради.

Иқтибос — асос демакдир

Юқорида айтиб ўтганимиздек, эркин матбуотда ҳар ким ўзининг фикрини баён этиши, мушоҳада юритиши, эътирозини билдириши ҳуқуқига эга.



ака, узр..." номли мақола кўпчилик ҳамкасбларим эътирозига сабаб бўлди. Шу ўринда мен ҳам мақола ҳақидаги фикрларимни билдириб ўтишни хоиз топдим.

Ҳар бир ижодкор танлаган мавзуси ҳақида узоқ мулоҳаза юритиши, унга оид далилларни синчиклаб ўрганиши, бу тўғрисида жамоатчиликнинг фикрини билиб, сўнгра қозоғга туширишга маъқул. Мазкур мақолада муаллиф айрим иллатларни қаламга олишга ҳаракат қилган.

Одатда тоғора ва сарполлар тўй ёки дафн маросимларида олиб борилади. (Минтақавий жиҳатдан турли жойларда турли хил). Тарихдан маълумки, халқимизда тўсатдан аза бўлиб ўтган, кутилмаганда тўй бошлаган оилаларга ёрдам тариқасида ҳар ким ўз имкониятига қараб инъомлар беришган.

Шунингдек, мақола муаллифи турли халқлар ҳаётидан ўзи яхши ҳисоблаган баъзи одатларни иқтибос тарзида келтириб ўтибди. Ва бу билан ўзбекчиликдан кечиб немис, қозоқ ёки рус кишисига ўхшаган жалб қилган кўринади.

Ушунингдек, мақола муаллифи турли халқлар ҳаётидан ўзи яхши ҳисоблаган баъзи одатларни иқтибос тарзида келтириб ўтибди. Ва бу билан ўзбекчиликдан кечиб немис, қозоқ ёки рус кишисига ўхшаган жалб қилган кўринади. Масалан, "Қозоқнинг гапи битта бўлади, Рус кишии шунақа бўлиши керак, Немис ваъдасига ҳилоф эти қилмаслиги лозим" каби иборалар орқали худдики, бизда бундай ҳусусий йўқлиги учун шунга даъват қилаётганга ўхшайди.

алиф иқтибосни ўзимиздан келтиришга маъқул бўлар эди. Зеро, инсоният тафаккурини чарқловчи буюк асарлар аввало Шарқда яратилган.

Шунингдек, мақоладаги немис халқига хос бўлган фазилат нотўғри ишлатилган. Мақаб ўқувчиси дарс вақтида ўқитувчидан сурамай дарсдан чиқиб кетиши, аввало, инсоннинг ўзини ҳурмат қилмаслигини билдиради.

Пистачи холагани "маслаҳат"и

Халқимиз матбуотини миллат ойнаси, журналистнинг жамият табиби дейишадди. Бундай номни оқлаш учун ижодкор соҳанинг билимдонлиги, ўз касбининг устаси бўлиши лозим.

Университетни тутатган пайтларим устозларимдан бири "Элдорад" деган янги ҳусусий газета очилганини, шу жойда ишлаш шимни тақлиф қилди. Газета ташкилотчилари билан урчишиб, иш тартиби ва маош хусусида келиши олдиқ. Ававалига нашр муассиси газета қандай бўлиши, материаллар ва дизайн хусусида умуман тушунчаси йўқлигини айтиб, уни ҳараёнини ижодкор ҳодимларга бўлиб берди.



лиги, нашр тиражи ошиши учун пистачи холагани айтган мазмундаги мақолалар кўп бўлишини талаб қила бошлаган.

чидай олманган айрим ҳодимлар ишдан бўшади. Баъзилари эса бошқа иш тополмаганили боис ўша муҳитга қўниқди. Орадан бироз вақт ўтиб, ишнинг давом этираётган соҳиб ҳамкасбимни учратиш қолдим.

Демократик жамият бошқа тузумларга қараганда фикрлар рангбаранглиги, сўз эркинлиги билан ажралиб туради.

Иккинчиси муомалот ҳукмларидир. Буларга шартномалар, битимлар, жазо ва жиноятлар, васыят, никоҳ ва бошқа барча инсонлар ўртасидаги муносабатларга доир масалаларнинг ҳукмлари кирлади.

"Ал-Жазира" да суратга олинган

Қатарнинг "Ал-Жазира" компанияси инглиз хизмати муассулмонлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи тўрт фаслдан иборат ҳужжатли фильмни намойиш этди.

Умайр ибн Ваҳб



Нашр

"Барчамиз қўшнилармиз"

"Хидоят" журналининг 6-сонини шу номдаги таянч мақола билан бошланган.

Инсоннинг ҳурмати унинг ҳаққини адо этиши билан бўлади. Қўшни ёрдам, қарз сўраса, ёрдам ва қарз бериш; бетоб бўлса, ҳолини сўраш; бирор неъмат билан мушарраф бўлса, куллаш; унга муносиб етса, тасалли бериш; оламдан ўтса жанозасига қатнашиш; у рози бўлмаса, унинг деворини унинг уйи деворидан бандан қилмаслик; тансиқ таом қилганида унга насиба бериш; харид қилган меvasига фарзандлари кўзи тушса, уларга ҳам улашиш қўшничилик ҳақларидандир.

Фикҳнинг асоси

Исломи фики ички хил амалий масалалар ҳукмларидан таркиб тошган. Биринчиси ибодат ҳукмлари бўлиб, таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳаж каби ибодатларга доир масалалардир. Ибодатда оид ҳукмлар Қуръонни қарининг бир юз қирқ оятда баён қилинган.

Самарқандлик яёв сайёҳ

Самарқандлик Абдулҳафиз Хуррамов ҳар йили юзлаб қачирим масофани пиёда босиб ўтиб, Баҳодурдин Нақшбанд, Насафий, Имом Термизий каби аломалар мақбараларини зиёрат қилади.

Умайр ибн Ваҳб

Умайр Исламнинг сабр-тоқатда кенглигини ва Пайгамбаримизнинг (саллаллоху алайҳи ва саллам) буюклигини ўйлаб ўтирарди. Исломига тузоқ қўйиб, Расулulloх (саллаллоху алайҳи ва саллам) билан саҳобаларга қарши жанг қилиб, Маккада беҳуда ўтган кунларини эслади.

